# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 5 декабрь, № 251 (7481) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## БИЗ ва ЖАҲОН

# ЕХҲТ Бош котиби Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва минтақавий сиёсатга юксак баҳо берди

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмитаси раиси Алишер Курманов раҳбарлигидаги делегациянинг Австрияга ташрифи доирасида ЕХҲТ Бош котиби Томас Гремингер билан учрашуви, шунингдек, Вена дипломатия университетида юртимиздаги ислоҳотларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу мулоқотлар мамлакатимизнинг Австриядаги дипломатик миссияси томонидан ташкил этилди.*



ЕХҲТ Бош котиби Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланаётганини алоҳида эътироф этди.

"Охирги уч йилда ЕХҲТ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда улкан бурилиш юз берди. Ўзбекистон Президенти томонидан изчил олиб борилаётган демократик ислоҳотлар сиёсати ўзаро кўп қиррали ҳамкорлигимиз учун кенг истиқболлар очяпти, — деди Т. Гремингер. — ЕХҲТ белгиланган мақсадларга эришишда Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлиб қолади ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислоҳотчилик йўлини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрдир".

У Ўзбекистонда бўлажак парламент сайлови демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этишига урғу берди. Ва мамлакат парламенти демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш, том маънодаги демократия мактаби, ислоҳотлар ташаббускори ва асосий ижрочисига айланиши кераклигини қўшимча қилди.

Айни чоғда Бош котиб Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви якунларига юксак баҳо берди.

"Ягона ва кучли Марказий Осиё бугунги кундаги хавфсизликка таҳдидлар ва хуружларга қарши ҳамкорликда курашишнинг муҳим кафолати, Осиё минтақасида барқарор ва мустаҳкам ривожланиш гарови ҳисобланади", деди у.

Унинг фикрича, минтақа мамлакатлари томонидан келгусидаги ҳамкорлик бўйича умумий қарашлари ва ёндашувлари акс эттирилган регламент ҳамда Қўшма баёнот қабул қилиниши Марказий Осиёда ўзаро тушуниш ҳамда ишонч муҳити юқори даражага етганидан далолат беради.

Ўз навбатида, Т. Гремингер "Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ва оқилона муроса принципларига асосланган минтақавий сиёсати ҳар томонлама ўрганишга лойиқ ва бугунги кунда халқаро муносабатларда бунга бўлган талаб ҳар қачонгидан юқори" эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Вена дипломатия университети мезбонлик қилган давра суҳбатида юртимиз делегацияси Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг бориши ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, сайловлар "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар" шиори остида ўтказилаётгани айтиб ўтилди. Мулоқот иштирокчилари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинаётган чора-тадбирларни олқишлашди.

➡ 3

# «БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!»





**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасидан.*



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Конституция — менинг тақдиримда

Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис жорий йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Хўш, ёшларнинг сайлов тўғрисидаги тушунчалари қандай?

Навқирон авлод вакилларининг сайловга оид билимларини мустаҳкамлаш мақсадида республикамиз бўйлаб "Ёш сайловчи — 2019" мавзуида ёшлар форуми ўтказилмоқда. Бундай тадбирларда барча сиёсий партиялар ўз сайловолди дастурларидаги асосий устувор вазифалар ҳамда парламент қуйи палатаси ва маҳаллий Кенгашларга кўрсатилаётган номзодлар борасида атрофлича маълумот беришяпти. Натижада ёшлар қайси партия вакилига овоз бериш бўйича ўзлари учун тегишли хулосаларни чиқаришмоқда.

➡ 3

# ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТАРАФДОРИ ЭКАНИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ

**Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, аввало, минтақа ва халқаро майдонда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдаги интилишлари Туркия матбуоти диққат марказида бўлиб келмоқда.**



Хусусан, Туркиянинг "Анадолу" ахборот агентлиги томонидан Тошкентда 29 ноябрь куни бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувига доир қатор материаллар чоп этилди. Туркиянинг "TRT" давлат телерадиокомпанияси тизимидаги веб-сайтларда ҳам мавзуга доир материаллар жойлаштирилди.

Турк шарҳловчиларининг фикрига кўра, Тошкентда ушбу саммитнинг самарали ўтказилиши Ўзбекистон минтақавий ташқи сиёсатни тўғри юритаётганидан, Ўзбекистон дипломатиясининг навбатдаги муваффақиятидан далолат беради.

Анқара Стратегик фикрлар институти директори Муҳаммет Саваш Кафкасялининг қайд этишича, юқори даражадаги минтақавий учрашув "Самарқанд консенсуси"нинг натижаси ҳисобланади. Айни пайтда эксперт давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бу каби учрашувларни ўтказиш ҳақидаги таклифини илк бор 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурганини ҳам эслатиб ўтади. Самарқандда 2017 йил ноябрь ойида ташкил этилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференцияда бу ғоя яхлит дастур сифатида кенгайтирилди ва минтақа мамлакатлари томонидан консенсус асосида қўллаб-қувватланди. Эксперт "Самарқанд консенсуси" ва Ўзбекистоннинг маълум давлатлар билан яхши қўшничилик ғоясига содиқлиги минтақадаги сиёсий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди, деб қайд этади.

"Анадолу" ахборот агентлиги мақоласида қайд этилишича, тадбир якунида қабул қилинган Қўшма баёнот Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари олиб борган музокаралар самарали бўлганидан далолатдир.

Туркия ОАВларида таъкидланишича, ушбу Қўшма баёнотда унга аъзо мамлакатларнинг хавфсизлик, туризм, транспорт, транзит, энергетика ва инвестициялар ҳамда Афғонистондаги вазият сингари масалалар юзасидан яқин ва келишилган позициялари белгиланган. Турк шарҳловчилари ҳужжатда асрлар оша шаклланган маданий, савдо ва гуманитар алоқалар бугун ҳам ривожланиб бораётгани, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга содиқлик билдирилганига эътибор қаратган.

**ЎзА.**

## САЙЛОВ — 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда "Миллий тикланиш" демократик партияси номидан "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастури" сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

# ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

*Ўзбекистон — суверен демократик республика. Бошқарувнинг ана шу шаклини танлаган мамлакатларда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб, давлат ҳокимияти органлари даврий асосда ўтказиладиган сайловлар орқали шакллантирилади.*

Тарихдан маълумки, танлов, рақобат имконияти бўлмаган жойда эркин ва адолатли сайлов бўлиши мумкин эмас. Шу боис ҳам халқаро ҳужжатлар асосида давлатлар эркин ва адолатли, барча учун тенг шароитлар яратилган, очиқ ва ошкора сайлов ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Хусусан, ЕХҲТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгаши ҳужжатида давлатлар инсонларнинг эркин сайловлар ва қонун устуворлиги асосида демократик жамият қуриш ҳақида умумий қарорга келганликларини маъқуллашлари белгиланган.

Мамлакатимиз Конституцияси ва Сайлов кодексида сайловлар оқилона муддат — ҳар беш йилда ўтказилиши, фуқаролар хоҳиш-иродасини эркин билдириши кафолатланган.

Бу галги сайловнинг авалгиларидан фарқли жиҳати шундаки, давлатимиз чет элдаги фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаб, уларнинг олдиндан электрон рўйхатдан ўрин олиши учун http://saylov.mfa.uz/ орқали мурожаат қилиш имкониятини яратиб берди. Агар илгари хорижда яшаётган фуқароларимизнинг фақат консуллик ҳисобида турганларигина овоз берган бўлса, эндиликда чет элда вақтинча ёки доимий яшаётганлар, уларнинг мурожаатига асосан, хориждаги сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига киритилади.

Копенгаген ҳужжатининг 7.2-бандига биноан, давлатлар миллий қонун чиқарувчи органнинг, ҳеч бўлмаса, бир палатасидаги ҳамма мандатлар умумхалқ сайлови жараёнида номзодлар эркин тортишувининг объекти бўлишига йўл қўядилар, катта ёшдаги фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлайдилар.

Сайлов кодексига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча, яъни 150 депутати умумхалқ сайлови асосида тўғридан-тўғри сайловларда, кўппартиявийлик асосида фуқаролар томонидан бевосита сайланади.

Фуқаролар жинси, ирқий, миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга.

Копенгаген ҳужжатининг 7.4-бандида ҳар бир мамлакат овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга тенг келадиган тартибот қўлланилишини ва овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлишини, унинг расмий якуни матбуотда эълон қилинишини таъминлаши қайд этилган бўлиб, бизнинг миллий қонунчилигимиз шунга уйғундир.

Масалан, сайловчи бюллетенни яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдиради. Уни тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқалар ҳозир бўлиши тақиқланади. Бунинг учун участка сайлов комиссиялари томонидан барча шарт-шароит яратилган. Кузатувчилар бу ерда ҳозир бўлиб, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутилари муҳрланишини кузатиш орқали жамоатчилик назоратини таъминлаши мумкин бўлади.

➡ 3

# Ҳиндистондаги машҳур журналда Хива ҳақида мақола чоп этилди



*Ҳиндистоннинг энг оммабоп нашрларидан бири — "The Blue Moon" журналида "Хива: қалбингизни ром қилиши мумкин бўлган қадимий ўзбек шаҳри" сарлавҳали мақола чоп этилди.*

Материалда кўҳна кентнинг дунёга машҳур тарихий ёдгорликлари ҳамда унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида сўз юритилади.

Бундан ташқари, журналда "Хива — мисли кўрилмаган улуғворлик" ва "Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши қайд этилмоқда" мавзуларида ҳам мақолалар эълон қилинган.

**Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).**

# ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРЛАРИ ҳам мукофотга, ҳам имтиёзга эга бўлишди

*Пойтахтимизда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019" республика танлови ғолиблари, халқаро олимпиадаларда совриндор бўлган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари тантанали тақдирланди.*





Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

## Танлов

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг республика босқичи иштирокчилари ўзларининг лойиҳа тақдимотларини "Фейсбук" ижтимоий тармоғи орқали эълон қилишди ва улар жамоатчилик томонидан баҳоланди. Натижаларга кўра, энг маҳоратли, фидойи, ижодкор, салоҳиятли 34 нафар ўқитувчи танловнинг республика босқичи ғолиби бўлди. Биринчи ўринни эгаллаган ўқитувчиларнинг ҳар бири 10 миллион сўмдан, иккинчи ўринни олганлар 5 миллион сўмдан, учинчи ўрин соҳиблари 3 миллион сўмдан пул мукофотлари билан тақдирланди.

Жорий йилда Ўзбекистон терма жамоаси халқаро олимпиадаларда жами 8 та медални қўлга киритди. Ўқувчилар Буюк Британиянинг Бат шаҳрида бўлиб ўтган 60-халқаро математика олимпиадасида 1, Венгриянинг Сегед шаҳрида ташкил этилган 30-халқаро биология олимпиадасида 3 та бронза медалга сазовор бўлди. Франциянинг Париж шаҳри мезбонлик қилган 51-халқаро кимё олимпиадасида ўзбекистонлик ўғил-қизлар 2 та кумуш ва 2 та бронза медаль соҳиби бўлди.

Тадбирда Президентимиз қарорига мувофиқ, мазкур халқаро олимпиадаларда кумуш медалларни қўлга киритган ўқувчилар 66 миллион 900 минг сўмдан, уларнинг ўқитувчилари 55 миллион 750 минг сўмдан, бронза медаль соҳиблари 44 миллион 600 минг сўмдан, уларнинг ўқитувчилари 33 миллион 450 минг сўмдан пул мукофотлари билан тақдирланди. Ушбу ёшлар олий таълим муассасаларига кириш имтиёзига ҳам эга бўлди.

**Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).**

# ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИ мобиль телефонга юборилади

*Термиз шаҳрида Туркиянинг "Kani-med", Нидерландиянинг "Aues saglik group" компаниялари томонидан бунёд этилган замонавий лаборатория-диагностика маркази очилди.*

## Қарор ва ижро

Президентимизнинг шу йил 16 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу муассасани ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур лойиҳа доирасида қурилиш, жиҳозлаш ва фаолиятни электрон шаклда ташкил қилиш ишларига 2 миллион АҚШ долларига яқин инвестиция киритилди. Натижада 30 та иш ўрни яратилди. Бу ерда 300 турдан ортиқ лаборатория таҳлилларини бажариш имконияти мавжуд. Қолаверса, таҳлил жавоблари ўша куннинг ўзида фуқаронинг электрон манзили ёки мобиль телефонига юборилади.

Лаборатория-диагностика маркази келгусида ўз фаолиятини янада кенгайтириб, нафақат халқимиз, балки тиббиёт туризми йўналишида қўшни давлатлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда сўнгги уч йил давомида хусусий тиббиёт муассасалари икки баробар кўпайиб, 120 тадан 230 тага етказилди. Биргина якунланаётган йилда инвестиция ва "Обод қишлоқ" дастурлари ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари доирасида 47 та тиббиёт муассасасида 68 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Давлат тиббиёт муассасалари 8 миллион долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

**Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).**

# «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 2020 - 2024 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

## Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва депутатлари томонидан 2020 — 2024 йилларда ишлаб чиқилиши ёки ташаббус кўрсатилиши режалаштирилаётган қонун лойиҳалари:

### I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, маънавий баркамол фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида

**1.** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизматлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**2.** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат назоратига мораторий тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**3.** Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**4.** Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари назорати тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**5.** Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

### II. Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш соҳасида

**6.** Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура кодекси лойиҳаси.

**7.** Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий экспертиза тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**8.** Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**9.** Ўзбекистон Республикасининг “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**10.** Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқни бузганлик учун компенсация тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**11.** Ўзбекистон Республикасининг “Жиноятдан жабр кўрганларни реабилитация қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**12.** Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**13.** Ўзбекистон Республикасининг “Тўй, оилавий тантана ва маросимларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.




### III. Миллий иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва инновацияни ривожлантириш соҳасида

**14.** Ўзбекистон Республикасининг Банк кодекси лойиҳаси.

**15.** Ўзбекистон Республикасининг Транспорт кодекси лойиҳаси.

**16.** Ўзбекистон Республикасининг “Туризм фаолиятини рағбатлантириш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**17.** Ўзбекистон Республикасининг “Ҳунармандчилик фаолияти тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**18.** Ўзбекистон Республикасининг “Савдо фаолияти тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**19.** Ўзбекистон Республикасининг “Саноат сиёсати асослари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**20.** Ўзбекистон Республикасининг “Даромадларни ихтиёрий декларация қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**21.** Ўзбекистон Республикасининг “Асаларичилик тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**22.** Ўзбекистон Республикасининг “Балиқ овлаш (балиқчилик) тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**23.** Ўзбекистон Республикасининг “Дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**24.** Ўзбекистон Республикасининг “Органик ишлаб чиқариш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

### IV. Маданият ва маънавият, ижтимоий соҳа, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этиш соҳасида

**25.** Ўзбекистон Республикасининг Таълим кодекси лойиҳаси.

**26.** Ўзбекистон Республикасининг Маданий мерос кодекси лойиҳаси.

**27.** Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳаси.

**28.** Ўзбекистон Республикасининг “Тарбия асослари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**29.** Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонуни лойиҳаси.

**30.** Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи ёзувлар тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**31.** Ўзбекистон Республикасининг “Театр ва театр фаолияти тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**32.** Ўзбекистон Республикасининг “Кинематография тўғрисида”ги ёки “Кино санъати тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**33.** Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонуни лойиҳаси.

**34.** Ўзбекистон Республикасининг “Халқ табобати тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**35.** Ўзбекистон Республикасининг “Интернетда ижод маҳсулотларини тарқатиш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**36.** Ўзбекистон Республикасининг “Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

### V. Ташқи сиёсат, хавфсизлик ҳамда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш соҳасида

**37.** Ўзбекистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**38.** Ўзбекистон Республикасининг “Этник маданиятни давлат томонидан ҳимоя қилишнинг асослари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**39.** Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонуни лойиҳаси.

**40.** Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонуни лойиҳаси.

### VI. Миллий ахборот маконини ривожлантириш соҳасида

**41.** Ўзбекистон Республикасининг Ахборот кодекси лойиҳаси.

**42.** Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчиликнинг электрон иштироки тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**43.** Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий тармоқларда ахборот тарқатиш ва жамоатчилик муҳокамаси тартиби тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

**44.** Ўзбекистон Республикасининг “Телерадио эшиттириш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси.

## Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва депутатлари томонидан 2020 — 2024 йилларда ишлаб чиқилиши ёки ташаббус кўрсатилиши режалаштирилаётган концепциялар, стратегиялар ва дастурлар лойиҳалари

1. Миллий ғоя концепцияси лойиҳаси.
2. Узлуксиз тарбия асослари концепцияси лойиҳаси.
3. Миллий урф-одат, анъаналар ва қадриятларни сақлашни кучайтириш ва ривожлантириш концепцияси лойиҳаси.
4. Давлат ва жамият бошқарувини янада такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли Миллий дастури лойиҳаси.
5. Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш концепцияси лойиҳаси.
6. Жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш, “Соғлом инсон — соғлом миллат” концепцияси лойиҳаси.
7. Аҳолининг турмуш маданиятини ошириш концепцияси лойиҳаси.
8. Ўзбекистонда халқ табобатини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси.
9. Жамиятда миллий мусиқа ва миллий эстрада санъатини ривожлантириш Миллий дастури лойиҳаси.
10. Спортнинг кураш, бокс ва футбол турларини тубдан ривожлантириш концепцияси.
11. Бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва асосий тамойилларини жорий этиш концепцияси лойиҳаси.
12. Жамиятда сиёсий онг ва сиёсий маданиятни юксалтириш Миллий дастури лойиҳаси.
13. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш концепцияси лойиҳаси.

## Ўзбекистоннинг ёрқин келажагини яратиш, инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш — бош мақсадимиз!

## Халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — фаолиятимиз асоси!

## Инсон манфаатларини таъминлаш — асосий вазифамиз!

## Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва депутатларининг қарорлар билан тасдиқланган 2020 — 2024 йилларда ижро этилиши белгиланган концепциялар, стратегиялар ва дастурлар ижроси устидан жамоатчилик, депутатлик ва парламент назоратини амалга ошириш режаси

**1.** 2017 — 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури.

**2.** 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси.

**3.** 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси.

**4.** 2019 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси.

**5.** 2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси.

**6.** 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси.

**7.** Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.

**8.** Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.

**9.** Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.

**10.** Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

**11.** Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси.

**12.** Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепцияси.

**13.** Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси.

**14.** Ҳар йили қабул қилинадиган йиллик давлат дастурлари, ҳудудий дастурлар, Давлат бюджети, шунингдек, 2020 — 2024 йилларда қабул қилинадиган янги концепциялар, стратегиялар ва дастурлар.

## Халқимиз билан ҳамнафас бўлиш — мажбуриятимиз!

## *Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва депутатлари* жонажон Ватанимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нафақат иштирокчиси, балки уларнинг ташаббускори ҳамда ижрочиси бўлади.

## Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва депутатларининг 2020 — 2024 йилларда амалга ошириладиган асосий партиявий лойиҳалари, республика ва халқаро тадбирлари, кўрик-танловлари

1. Депутатлик фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган **“Халқ хизматчиси”** медиа лойиҳаси.
2. Ёшларни парламент ва қонун ижодкорлиги жараёни билан яқиндан таништиришга қаратилган **“Ёшлар парламенти”** саёҳат лойиҳаси.
3. Депутатларнинг аҳоли билан доимий алоқасини ўрнатиш ҳамда мурожаатларини жойида ҳал этишга қаратилган **“Депутат билан юзма-юз”** очиқ мулоқот ва **“Парламент — халқ уйи”** сайёр қабул лойиҳалари.
4. Кадрларнинг етакчилик қобилиятини шакллантиришга қаратилган **“Лидерлар онлайн мактаби”** лойиҳаси.
5. Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган **“Биз коррупцияга қаршимиз!”** акцияси.
6. “Иқтисодиёт ва маънавият”, “Миллий ва умуминсоний қадриятлар” уйғунлигини ривожлантиришга қаратилган анъанавий **“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”** республика илмий-амалий конференцияси.
7. Анъанавий **“Ўзбек миллий либослари”** кўргазмаси ҳамда **“Ўзбек миллий либослари: кеча, бугун ва эртага”** республика илмий-амалий конференцияси.
8. Ёшларга қўшимча бепул таълим ва касб-ҳунар беришга қаратилган **“Хизмат — беминнат”** кўнгилли зиёлилар лойиҳаси.
9. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган **“XXI аср аёли”** етакчи хотин-қизлар танлови.
10. Оилавий мутолаа маданиятини ривожлантириш мақсадида ҳар бир хонадонда, қурилаётган янги турар-жой лойиҳаларида **“Ҳар бир оилада кутубхона”** лойиҳаси.
11. Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни эрта аниқлашга қаратилган **“Интеллектуал ёшлар”** республика мақолалар танлови.
12. Тиббий маданиятни оширишга қаратилган **“Соғлом инсон — соғлом миллат”** лойиҳаси.
13. Ҳар бир маҳалла кесимида уюшмаган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, ишламайдиган ва чет элга чиқиб кетган ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг хонадонларига бориб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган **“Уйма-уй”** лойиҳаси.
14. Давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга қаратилган **“Соф ўзбек тилида”** жамоатчилик назорати акцияси.
15. Алишер Навоий ижодини том маънода халқ мулкига айлантириш ҳамда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларини, шу фанга қизиққан ёшларни рағбатлантиришга қаратилган **“Навоий ворислари” (“Юз мингинчи Навоий ворисии”)** республика кўрик-танлови.
16. Халқ табобатини ривожлантиришга қаратилган **“Ибн Сино авлодлари”** кўрик-танлови.
17. Халқимизнинг фольклор санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш, миллий ғурур ҳисларини тўлақонли сингдиришга қаратилган **“Алла”** фестивали.
18. Мамлакатимизнинг миллий тикланиши ва юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган оддий халқ вакиллари, зиёлиларнинг ибратли ҳаёт йўлларини кенг тарғиб этишга қаратилган **“Миллат”** телелойиҳаси.
19. Миллатлараро тотувлик, бирдамлик ва якдилликни янада мустаҳкамлашга қаратилган анъанавий **“Кўп миллатли ягона оила”** лойиҳаси.
20. Ўзбекистондан ташқарида истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасига қаратилган **“Ватандошга суянчмиз”** лойиҳаси.
21. **“Маданият, санъат, туризм соҳасининг бугуни ва истиқболдаги вазифалар”** мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция.
22. Ўзбек миллий мақомчилик санъатини ривожлантиришга қаратилган анъанавий **“Мақомот”** мусиқа фестивали.
23. Болалар қўшиқчилигини ривожлантиришга қаратилган анъанавий **“Соҳир овоз”** болалар миллий қўшиқлари танлови.
24. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган фахрийларни эъзозлаш, Саховат уйида яшаётган қарияларни қадрлашга қаратилган анъанавий **“Зиёрат карвони”** маърифий лойиҳаси.
25. Ҳар бир туман ва шаҳарнинг туристик брендларини ишлаб чиқишга қаратилган анъанавий **“Uzb-brend”** кўрик-танлови.
26. Ўзбек миллий маданияти намуналарининг жаҳон брендларини яратишга қаратилган **“Ўзбегим”** расмлар танлови.
27. Мамлакатимиз туристик салоҳиятини виртуал оламда туристлар иштирокида кенг тарғиб этишга қаратилган **“Онлайн гид”** танлови.
28. Миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантиришга қаратилган **“Қўли гул уста”** ҳунармандлар танлови.
29. Миллий интернет сегментини ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, интернет тармоғидаги очиқ веб-ресурсларда, жумладан, Wikipedia онлайн энциклопедиясида Ўзбекистон Республикаси тўғрисидаги объектив ахборотларни кўпайтиришга қаратилган **“Талабалар интернет ҳаракати”** лойиҳаси.
30. Ўзбек миллий фотография санъатини ривожлантириш, энг сара ижод намуналарини ижтимоий тармоқларда оммалаштириш, жаҳон интернет контентини миллий мазмундаги расмлар ва сиймолар билан бойитишга қаратилган **“Миллий расмлар фотобанки”** ва **www.milliyrasmlar.uz** сайтини яратиш лойиҳаси.
31. Партия электоратининг хоҳиш-истакларини, ижтимоий кайфияти ҳамда эҳтиёжларини илмий тадқиқ этишга қаратилган **“Халқ фикри”** ижтимоий сўровлар лойиҳаси.
32. Ўзбекистонда фуқаролик журналистикасини ривожлантириш, партия эътибор қаратадиган устувор масалалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган **“Блогерлар лигаси”** лойиҳаси.

### Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз устувор вазифаларини изчил амалга ошириш мақсадида ҳар бир ойни муайян вазифа ижросига йўналтирмоқчи:

1. ***Январь*** — *Ватанга садоқат ойлиги.*
2. ***Февраль*** — *Миллий маданият ва санъатни, ҳунармандчиликни ривожлантириш ойлиги.*
3. ***Март*** — *Миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни сақлаш ва бойитиш ойлиги.*
4. ***Апрель*** — *Туризмни тарғиб этиш ва ривожлантириш ойлиги.*
5. ***Май*** — *Оилани мустаҳкамлаш, оилавий қадриятлар ва анъаналарни ардоқлаш ойлиги.*
6. ***Июнь*** — *Хориждаги ватандош ойлиги.*
7. ***Июль*** — *Маданий меросни муҳофаза қилиш ойлиги.*
8. ***Август*** — *Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ойлиги.*
9. ***Сентябрь*** — *Узлуксиз таълим ва тарбия ойлиги.*
10. ***Октябрь*** — *Ўзбек тили ва адабиёти ойлиги.*
11. ***Ноябрь*** — *Тиббий маданиятни ошириш ойлиги.*
12. ***Декабрь*** — *Ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданиятни ошириш ойлиги.*

## Ҳурматли сайловчилар!

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси учун сайловда иштирок этиш — бу, энг аввало, ўзининг сайланган вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол қатнашишини англатади.

Партиямиздан кўрсатилган номзодлар ҳокимият вакиллик органларига сайланиши, бу нафақат сайловчиларнинг юксак ишончи, балки юртимиз тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида фаол ҳамда фидокорона меҳнат қилишга шайланган бўлажак депутатларга берилган имкониятдир.

Партиядан ҳокимият вакиллик органларига кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ушбу 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастури ва ундаги ташаббуслар жонажон Ватанимизни биргаликда тараққий эттиришга йўналтирилган эзгу таклифлардир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурида белгиланган барча йўналишлар бўйича ташаббуслар, бу ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг дебочаси эканини алоҳида таъкидлаймиз.

Партиямиз аниқ ва самарали натижаларга эришиш учун барчангизни шу азиз ва бетакрор Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бор куч ва билимингизни сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишга, ташаббускор бўлишга чорлайди.

Биз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси йўлида сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз!

Ишонинг, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси номзодларига берган овозингиз — бу Сизнинг оқилона танловингиз!

Тараққиётга биргаликда борамиз, ёркин истиқболни ҳамжиҳатликда барпо этамиз!

**БИРГАМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!**

# ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

←1

Сайлов кодексида овозларни ҳисоблашга доир ҳар бир ҳаракатни амалга ошириш тартиби аниқ белгилаб қўйилганлиги, коллегиал тарзда, очиқ ва ошкора қарор қабул қилиниши, баённома ўқиб эшиттирилиши ҳамда унинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилиши, сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчилар баённоманинг тасдиқланган кўчирма нусхасини олишга ҳақли экани, сайлов якунига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси қарори сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай қабул қилиниши белгиланганi ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинишини овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлишининг кафолати сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Копенгаген ҳужжатининг 7.8-бандига кўра, давлатлар оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараёнида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий гуруҳлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлайди.

Бу миллий қонунчилигимизда ҳам алоҳида белгиланган. Номзодларга, сиёсий партияларга, Сайлов кодекси 46-моддасига биноан, ташвиқот олиб борилаётганда давлат ОАВдан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар яратади.

Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Нодавлат ОАВда қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши талаб этилади.

Копенгаген ҳужжати 8-бандида сайлов ўтказилаётганда ҳам хорижий, ҳам миллий кузатувчилар иштироки ўша давлатнинг обрўсини ошириши баён этилган. Шунинг учун улар ЕХҲТда иштирок этувчи ҳар қандай бошқа давлатдан, тегишли муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни қонун йўл қўядиган даражада миллий сайлов боришини кузатиш учун таклиф қилади.

Сайлов кодексида сайлов билан боғлиқ барча жараёнда маҳаллий ва халқаро кузатувчилар иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.

**Бу галги сайловларда кўрсатилган 750 номзоднинг 310 нафари ёки 41,3 фоизи хотин-қизлардир.**
**Бу 2014 йилнинг декабрида бўлиб ўтган парламент сайловларидаги кўрсаткичдан қарийб 10 фоиз кўп.**
**Ёшлар эса 32,2 фоизни ташкил қилади.**

Марказий сайлов комиссияси халқаро ташкилотларни, чет давлатлар сайлов органларини ва вакилларини сайловларни кузатиш учун таклиф этади.

Бу галги сайловларда ЕХҲТга аъзо бўлган 57 давлатдан 250 нафарга яқин қисқа муддатли, 30 нафар узоқ муддатли ҳамда бошқа давлат ва халқаро ташкилотлардан 300 га яқин, жами 600 нафардан зиёд кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Умуман, сайлов кампанияси билан боғлиқ жараёнлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишлари учун зарур юридик кафолатлар яратилган бўлиб, бу ҳам мамлакатимизнинг халқаро ҳужжатлар доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларга масъулият билан ёндашаётганидан ва умумэътироф этилган демократик тамойилларга содиқлигидан далолат беради.

**Мирзаюсуф РУСТАМБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиғи, ю.ф.д., профессор.**

# МАҚСАД ФАҚАТ ДИПЛОМЛИ БЎЛИШ ЭМАС...

## Таълим тизимининг коррупциялашуви малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини йўққа чиқаради.

*Олий таълимни тубдан модернизация қилиш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлашдек эзгу мақсадга соҳада коррупция иллатига барҳам бермасдан туриб эришиб бўлмайди. Таълим тизимининг коррупциялашуви нафақат рақобатдош, малакали кадрлар тайёрлаш имконини йўққа чиқаради, балки бутун жамиятда ҳақиқат, адолат ва қонунийлик каби инсонпарварлик тамойилларига путур етказади, турли соҳа ҳамда тармоқларнинг ҳам издан чиқишига олиб келади.*

**Нуқтаи назар**

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ушбу иллатга қарши курашиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш масаласи соҳадаги ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, олий таълим даргоҳлари олдига масъулиятли вазифалар қўйилди. Афсуски, бугун олий таълимда коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмаганини қайд этиш жоиз. Бинобарин, мазкур масалада тизимли ёндашув етишмаяпти.

Хўш, бундай ёндашув нималарда намоён бўлиши мумкин?

***Биринчидан***, ҳар бир олий таълим муассасасида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари асосида Коррупцияга қарши курашиш дастурини қабул қилиш, ўша олий таълим муассасасининг бу борадаги ўзига хос сиёсатини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Унда коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсад ва вазифалари, тамойиллари акс этиши лозим.

***Иккинчидан***, олий таълим муассасаларида Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар таркибига талабалар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни жалб этиш айни муддаодир.

***Учинчидан***, коррупцияга қарши кураш бўйича тизимли ёндашувни таъминлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар ва ходимлар учун Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашуви, Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари бўйича хабар бериш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Тизимдаги коррупция билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда нафақат олий таълим муассасалари, балки иш берувчилар ва кенг жамоатчилик ҳам фаол бўлиши зарур. Афсуски, ҳанузга қадар жамиятимизда "Энг муҳими, дипломли бўлиш" деган қараш устунлик қилмоқда. Ёшлар онгида қуруқ дипломли бўлиш эмас, балки чуқур билим ва ишончли кўникмаларга эга бўлиш ғояси устуворлигига эришилсагина таълим соҳасидаги коррупцияга қарши курашда жиддий олдинга қадам ташлаш мумкин.

Бир ҳақиқат аниқ, мазкур иллатга қарши курашда энг муҳим омиллардан бири таълим жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлашдир. Кириш имтиҳонларидан тортиб, жорий, оралиқ ва якуний синов имтиҳонлари, диссертация ишларининг ҳимояси, ўқишни кўчириш, тиклаш билан боғлиқ барча жараён шаффоф қоидалар асосида очиқ ҳамда ошкора ўтказилиши лозим. Коррупциясиз муҳитни шакллантиришда талабалар ва олий таълим муассасаси раҳбарияти ўртасида доимий мулоқот ўтказиш (feed-back) ҳам яхши самара беради.

Айни пайтда коррупцияга қарши курашишда талабаларнинг фаоллиги ҳамда қонунга мувофиқ хулқ-атворда бўлишини таъминлаш зарур. Таассуфки, ҳамма талабалар ҳам ўзлари гувоҳ бўлган тамагирлик ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришмайди ёки аксинча, айрим талабаларнинг ўзи профессор-ўқитувчилар ва ходимларни коррупцион ҳаракатларни содир этишга ундайди. Бунинг олдини олишда талабаларнинг жамоат ташкилотлари, жумладан, Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилотлари фаоллиги ва қатъий позицияси ижобий самара бериши аниқ.

Шунингдек, олий таълим муассасасидаги коррупция ҳолатига бефарқ бўлмаган талаба, ходим ёки профессор-ўқитувчини моддий рағбатлантириш тартибини жорий қилиш, таълим жараёнини рақамлаштириш ва ортиқча қоғозбозликдан воз кечишни назарда тутувчи "Электрон университет" тизимига ўтиш ҳақида жиддий ўйлаш вақти келди.

Тошкент давлат юридик университетида илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, юқорида қайд этиб ўтилган йўналишларда комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унинг самарали амалга оширилиши университетда коррупциядан холи муҳит яратилиши, ҳалол, пок виждонли, замонавий билимларга эга ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

- Коррупцияга қарши курашиш дастурини қабул қилиш;
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияларни ташкил этиш;
- Талабалар ва олий таълим муассасаси раҳбарияти ўртасида доимий мулоқот (feed-back) ўтказиш;
- Коррупцияга бефарқ бўлмаган талаба, ходим ёки профессор-ўқитувчини моддий рағбатлантириш тартибини жорий қилиш;
- "Электрон университет" тизимига ўтиш.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**
**адлия вазири ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори, юридик фанлар доктори.**

# ЕХҲТ Бош котиби Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва минтақавий сиёсатга юксак баҳо берди

←1

Хорижлик экспертлар Ўзбекистонда янги сиёсий майдон шаклланаётганини эътироф этишди. Самарали ишлайдиган кўппартиявийлик тизимини яратиш унинг ўзига хос жиҳатидир.

Зеро, бугун парламентда энг кўп ўрин эгаллаган сиёсий партия Бош вазир номзодини таклиф этиш, парламент Бош вазир ва Ҳукумат аъзолари ҳисоботларини эшитиш, Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларига ишончсизлик вотуми киритиш ҳуқуқларига эга.

Бу ва бошқа чора-тадбирлар сиёсий партиялар ҳамда парламент фаоллигини сезиларли равишда ошириб, партияларнинг парламентда ўрин эгаллаш йўлидаги курашини кучайтирди ва партиялараро рақобатга хизмат қиляпти.

Эслатиб ўтамиз, ЕХҲТ ДИИҲБ кузатувчиларининг тўлиқ миссияси Ўзбекистондаги парламент сайловида илк бор қатнашмоқда. Унинг таркибига 11 нафар эксперт ва 30 нафар узоқ муддатли кузатувчи киради, улар мамлакат ҳудудларида бўлиб, сайлов кампанияси жараёнини кузатиб боради. Шунингдек, сайлов куни қарийб 250 нафар қисқа муддатли кузатувчи иштирок этиши кутиляпти.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# Кўнгилхушлик ортидаги кўнгилсизлик



*Анча йиллар илгари "пақилдоқ"лардан қутилгандик. Аммо кейинги кунларда кўча-кўйда, маҳаллаларда, жамоат жойларида яна пиротехника воситалари қулоқни қоматга келтирмоқда. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди.*

**Огоҳлик**

Мутахассислар фикрича, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалардан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган буюмлар ҳисобланади. Шу боис бу матоҳ болалар қўлига тушиб қолса, фавқулодда ҳодисалар, жумладан, ёнғин келтириб чиқариши, одамларга оғир жароҳат етказиши мумкин.

Табиийки, пиротехниканинг аксарияти хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган контрафакт маҳсулотлар эканлигини, бир лаҳзалик кўнгилхушлик катта кўнгилсизликлар келтириб чиқаришини болалар билмайди. Бироқ уни кўздан пана қилиб сотаётганлар-чи? Наҳот улар ноқонуний савдо ортидан чўнтагини қаппайтиришни тинчлик-хотиржамлик, саломатлик каби бебаҳо бойликлардан афзал билса?!

Шифокорларнинг сўзларига кўра, "пақилдоқ" одамни беҳосдан чўчитгани боис юрак-қон томир тизимига ўта салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, бу матоҳдан уни оддий ўйинчоқ деб билган болалар кўпроқ жабр кўради. Улар орасида куйиш, турли тан жароҳатлари олиш ҳолатлари, ҳатто қўл-оёғидан ажраб қолганлар, кўриш ва эшитиш қобилиятини йўқотганлар ҳам учрайди.

"Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунда пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб киришнинг олдини олиш борасида қатъий чоралар белгиланган.

Савол туғилади: унда бундай воситалар юртимизга қайси йўллар билан кириб келмоқда? Улар болаларнинг қўлига қандай тушиб қоляпти?

Мутасадди идоралардан бу саволларга асосли жавоблар кутамиз.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



# ТАЛАБАЛАРНИ НИМА ҲАЙРАТЛАНТИРДИ?

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, пойтахтимиздаги Тошкент чинни заводи фаолияти қайта ташкил этилди. Шу йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари ушбу корхонага ташриф буюриб, унинг имкониятлари билан яқиндан танишар экан, бу завод Ўзбекистоннинг фахри эканлигини алоҳида таъкидлади.*

**Таълим**

Яқинда мазкур заводга Тошкент кимё-технология институтидан бир гуруҳ профессор-ўқитувчи ва талабалар ташриф буюрди.

Бу ерда йилига 30 миллион дона ошхона идиши, сувенир, биноларнинг ички безаклари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар импорт ўрнини тўлдириб, Россия, Украина, Грузия, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларига экспорт ҳам қилинади.

Меҳмонлар заводнинг иш жараёни, хом ашё сақланадиган омборидан то ишлаб чиқарилган маҳсулотлар музейи, лаборатория ва ўқув хоналаригача танишдилар. Заводда Тошкент кимё-технология институтини битирган бир гуруҳ талабалар, хусусан, Феруз Муқимов ва Диёра Ҳусаинова оператор-технолог лавозимида фаолият юритаётгани барчани хурсанд қилди.

— Тошкент чинни заводи фаолияти қайта ташкил қилинганидан кейин шу ерда ишлашга аҳд қилдим, — дейди Ф. Муқимов. — Чунки муассасада ходимлар учун барча шароит яратилган. Айниқса, амалиёт ўташни истаган талабаларга "Устоз — шогирд" анъаналари асосида иш ўргатилиши эътиборга лойиқ. Назария ва амалиёт — қушнинг икки қаноти. Ёшлар назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаб борсагина, етук мутахассис бўла олади.



Корхона фаолияти билан танишган талабалар бу ердаги шарт-шароитлар ва технологиялардан ҳайратга тушишди. Ташриф якунида Тошкент чинни заводи ва Тошкент кимё-технология институти ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича меморандум имзоланди.

**«Халқ сўзи».**

# ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАР ЗАРУР

*Бугун маҳалла туб ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси, фуқаролик жамиятининг энг муҳим бўғини сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам жой эгаллади. Шунга қарамай маҳалла ва оилалар билан боғлиқ муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.*

**Анжуман**

Ана шулардан келиб чиқиб, бундан бир ой илгари Республика маҳаллалар кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи, "Нуроний" жамғармаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 7 та йўналишни қараб олган Маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2019 йил ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилган эди.

Хўш, ўтган даврда дастур доирасида қандай ишлар амалга оширилди?

Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган "Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Яраштириш комиссияси фаолиятини такомиллаштириш масалалари: низоларгача ва низоли вазиятларда оилалар билан ишлашнинг янги шакллари ва усуллари" мавзуидаги ўқув семинари шу ҳамда фуқаролар йиғинларидаги Яраштириш комиссиялари фаолияти билан боғлиқ долзарб масалалар таҳлилига бағишланди.

**«Оиладаги тотувликка бирга эришамиз!» акцияси доирасида**

**2 мингдан** зиёд суҳбатлар ўтказилиб,
**104 445 нафар** муаммоли оилалар вакиллари (қайноналар, келинлар, куёвлар, болалар) жалб этилди.
"Кўринг, ҳавас қилинг, ибрат олинг!" мавзуида
**2325 марта** давра суҳбати ва учрашув ўтказилди.

Қайд этилганидек, ўтган даврда дастур ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Тадбирда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамкорлигида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштирув комиссиялари фаолияти самарадорлигини таҳлилий ўрганиш натижалари ҳамда оилавий низоларни тартибга солиш соҳасида янги усул ҳисобланган медиацияни татбиқ этиш" юзасидан ташкил этилган тадқиқот тақдимоти ўтказилди.

Якунда Яраштириш комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!»

←1

**Маҳлиё УСМОНОВА,**
**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси:**

— Сайлов — демократия кўзгуси. Бу йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда биринчи бор овоз бераман. Шу юртнинг фарзанди сифатида фуқаролик бурчимни адо этиш кунини сабрсизлик билан кутяпман. Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, миллий сайлов қонунчилиги, унга кейинчалик киритилган ўзгартишлар, овоз бериш тартиби ва қоидалари билан танишдик. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг сайловолди учрашувлари ва ташвиқот материаллари орқали етарли маълумотга эга бўляпмиз. Шубҳасиз, Ватанимизнинг порлоқ истиқболи, меҳнаткаш халқимизнинг фаровон турмуши йўлида астойдил хизмат қиладиган партия ва унинг номзодига овоз бераман.

**Миролим РАСУЛОВ,**
**Андижон давлат университети талабаси:**

— Биз ёшлар сайловни ўзгача ҳаяжон билан кутмоқдамиз. Боиси ушбу сиёсий жараёнда биринчи марта овоз берамиз ва конституциявий бурчимизни адо этамиз. Бу галги сайлов аввалгиларидан мутлақо янгича кўринишда ташкил этилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. "Ёш сайловчи — 2019" тадбирида қатнашиб, сиёсий билимларимизни оширдик, ўзимизни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдик.

Шуни айтиш керакки, эртага қандай қонунлар қабул қилиниши, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати қанчалик даражада қатъият билан олиб борилиши биз кимларни депутат этиб сайлашимизга боғлиқ. Демак, менинг овозим ҳам мамлакатимиз равнақида муҳим аҳамиятга эга. Сайлов куни юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган муносиб номзодга овоз бераман.

**Манижа МАҲМУДОВА,**
**Термиз давлат университети талабаси:**

— Президентимиз ҳар бир нутқида биз, ёшларга меҳр билан мурожаат қилади, ёш авлод вакилларига юксак ишонч билдиради. Бизни доим юксак чўққиларни забт этишга чорлайди. Мен шу юрт фуқароси сифатида биринчи маротаба сайловларда қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб турибман. Бу менга нима беради? Аввало, буни келгусида ўз тақдирим ва ҳаётимни янада гўзаллаштиришга хизмат қиладиган муносиб номзодни сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлигим билан изоҳламоқчиман. Аслида ҳар бир кишининг овози сайловнинг тақдирини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Агар сайловни бир иморатга қиёс қилсак, менинг овозим унга қўйилган бир ғишт, деб ўйлайман. Иморатнинг мустаҳкам, бус-бутун бўлиши эса ҳар биримизга боғлиқ.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

ЭЪЛОНЛАР

**Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги**

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Европа Иттифоқи грант маблағлари ҳисобига чорвачилик йўналишида қўшимча қиймат занжирини яратиш ва кооперацияларни ташкил этиш бўйича таклифларни қабул қилади.

***Лойиҳа таклифлари 2020 йилнинг 15 январигача қабул қилинади.***

Қўшимча маълумотларни www.uzaifsa.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент ш., Лабзак к., 1-«А» уй.
Маълумот учун телефон: 71-241-33-30.
E-mail: lsdp@rra.uz

987R/

**«Kamalak»** нашриёти
2019 йил 1 декабрдан ўз фаолиятини тўхтатди.
Даъволар жорий йилнинг 31 декабригача
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уйда қабул қилинади.

989J/677

*Президентимиз 2016 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида бундан кейин банкларнинг бош вазифаси ўз иш услубларини тубдан ўзгартирган ҳолда, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозониш ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Яъни банкларимиз зиммасига халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш ва шунга етаклаш вазифаси юклатилганди.*

*Бунинг изчил ижроси таъминланаётгани туфайли банкларимиз фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Одамлар тасаввурида қотиб қолган "Банклардан кредит олиш қийин, бунинг учун қанчадан-қанча ҳужжатлар йиғиш керак ёки банкка омонат қўйиб бўлмайди, ишончсиз", қабилидаги эскича қарашлар тамомила ўзгармоқда.*

*Дарҳақиқат, бугун банклар халққа яқинлашмоқда. Улар ҳар бир маҳалла, қишлоқ ҳамда хонадонга бориб, одамларнинг дарду ташвишидан хабардор бўлишга, кўмак беришга интиляпти. Бундай ижобий ўзгаришларда, табиийки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг алоҳида ўрни бор. Бу жараёнда акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, аҳоли ва мижозлар билан ишлаш баробарида, ўз инфратузилмасини кенгайтиришга катта эътибор қаратаётгани шундан далолат беради. Зеро, Халқ банки том маънода халқ орасига кириб бормоқда.*

XalqBanki



# ХАЛҚ ИШОНЧИ БИЗ УЧУН МУҲИМ

## 181 миллион АҚШ долларилик инвестиция

Бу биргина Халқ банки ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонга киритилган сармоялар миқдорини ифодаловчи рақамдир. Мазкур маблағ иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожига йўналтирилди. Жумладан, Президентимиз ҳудудларга ташрифи давомида Халқ банкига ҳам бир қатор топшириқлар бериб, улар ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 1 526 та лойиҳага 1 трлн. 791,5 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2020 йилда 254 та лойиҳага 645,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилади.

Айтиш жоизки, 2018 йилда ҳукумат кафолати остида Халқаро тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 50 млн. доллар миқдоридаги ресурс маблағлари жалб этилганди.

Бугунги кунга қадар банк томонидан мазкур ресурс маблағлари ҳисобидан мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига 48,4 млн. доллардан ортиқ кредит маблағлари ажратилди ва бу бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, замонавий иссиқхоналар қуриш учун 55 та лойиҳага 40,7 млн. доллар, умумий сиғими 6400 тонналик совиткичлар бунёд этиш учун 24 та лойиҳага 5,8 млн. доллар, интенсив боғ яратиш учун 2 та лойиҳага 700 минг доллар, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича 5 та лойиҳага 1,1 млн. доллардан ортиқроқ кредит маблағлари берилди. Натижада қишлоқ хўжалиги ривожига қаратилган ушбу лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бугунги кунда уларнинг 29 таси тўлиқ ишга туширилиб, яъни 14 та иссиқхонада биринчи экинлар экиб бўлингани, 12 та совиткичда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари сақланаётгани, 2 та қайта ишлаш ва битта ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар рўёбга чиқарилгани бунинг исботидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги "Ёшлар — келажагимиз" жамғармасидан Давлат дастуридаги вазифалар ижроси доирасида банкимиз томонидан 2018-2019 йилларда 2511 мижозга 407 584,35 минг сўм миқдорида кредитлар берилди. Натижада 7393 та иш ўрни яратилди.

Банк томонидан, шунингдек, 2019 йилда хорижий молия муассасаларининг 55 млн. евролик кредит линиялари жалб этилди. Йил охиригача яна 30 млн. доллар ўзлаштирилиши белгиланган. Бу борада Хитой Эксимбанки, Германиянинг "BerlinerSparkasse", "ODDO BHF", АҚШнинг "Cargill Inc", Россиянинг "Азия инвест банк", "Транскапиталбанк", Польшанинг "Bank Gospodarstwa Krajowego", Австриянинг "Raiffeisen



Bank International" банклари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

## Мақсадли сарфланган сармоя ва кутилган самара

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бозорларимизни сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш долзарб масала бўлиб қолаётган экан, мазкур тармоқни ривожлантириш давр талабидир. Шу маънода, Халқ банкининг бу соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратаётгани диққатга сазовор. Яъни банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари, умуман, тармоқ равнақи учун 162,3 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилгани шундан далолат беради.

Шу ўринда фикримизни қуйидаги мисоллар билан давом эттирсак. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи давомида берган топшириқларига асосан, ҳудудда жами 245,1 млрд. сўмлик лойиҳалар рўёбга чиқарилиши натижасида четдан 59 171 бош қорамол олиб келиниши режалаштирилган бўлса, йил бошидан буён Халқ банки ташаббуси билан умумий қиймати 325,4 млрд. сўмлик 67 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Хориждан 75 515 бош қорамол олиб келинди. Мазкур лойиҳаларда миқдор жиҳатидан Бўка, Қибрай ва Пискент туманлари, қиймати бўйича эса Зангиота, Тошкент туманлари етакчилик қилмоқда.

Умуман, ушбу юмуш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига республикамизнинг ҳар бир ҳудудидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги "Агро браво чорваси" фермер хўжалиги — ана шулардан бири.

Айни пайтда ўндан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилаётган фермер хўжалигига Халқ банкининг Оқдарё филиали томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси орқали 155 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит берилган эди. Ушбу сармояга Словакиядан 64 бош наслли қорамол харид қилинди. Жамоа эндиликда чорва комплексини янада кенгайтириш ҳаракатида.

Халқ банки Сирдарё тумани филиали мижози "Султон" фермер хўжалиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Гап шундаки, "Синдаробод" СИУ ҳудудида наслчиликни ривожлантиришга қаратилган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 2 100 000 АҚШ долларини ташкил этади. Шундан 1 200 000 доллари хорижий кредит линияси ҳисобидан банк томонидан беріляпти. Бунинг эвазига Даниядан 200 бош наслли қорамол келтирилади ва бу ерда йилига 2,5 млрд. сўмлик сут ҳамда гўшт маҳсулотлари етиштирилади. Жами яратилаётган иш ўрни эса 35 тани ташкил этади.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида жойлашган "Янги аср" фермер хўжалигига қарашли сутни қайта ишлаш заводида эса 125 та иш ўрни очилган.

— Лойиҳамиз рўёбида Халқ банки тақдим этган 18 млрд. сўмлик кредит қўл келди, — дейди мазкур завод директори Ихтиёр Бахтиёров. — Яъни ушбу маблағнинг ярмига қорамол, қолганига эса четдан технологик ускуналар сотиб олдик. Ҳозирги пайтда кунига 40 тонна сут қайта ишланяпти. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажми ошириб, сут маҳсулотларини экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

## Ҳам оиласига, ҳам жамиятга фойда

Халқ банки мижозлари, юртимиз ишбилармонлари орасида хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Зеро, бу юртимизда опа-сингилларимизга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий намунасидир. Банк жамоаси мана шундай ишларга эш бўлиб, Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга катта эътибор қаратмоқда. Мазкур йўналишда бугунги кунга қадар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 34 641 нафар тадбиркор аёлга 554,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 35 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилгани ҳамда бюджетга 1,1 млрд. сўмлик солиқ тушумлари туширилгани диққатга сазовор.

Шу билан бирга, асосан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлга 7,4 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, биргина Андижон вилоятида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида 32 та йўналиш бўйича 419 та ихтисослаштирилган маҳалла ўрганиб чиқилди. Натижада 63 та маҳаллада 16 та ўзига хос йўналиш (касаначилик, косибчилик, ёғочни қайта ишлаш, мебель ясаш, пичоқчилик, дўппидўзлик, гулчилик, дурадгорлик, каштачилик, кулоллик, меҳмонхона хизмати, рўмол тўқиш, сават тўқиш, тўқимачилик) бўйича 6,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг эвазига 630 киши иш билан таъминланиб, доимий даромад манбаига эга бўлди. Хусусан, Марҳамат туманидаги Бозорбоши ва Қорақўрғон маҳаллаларида 118 нафар хотин-қизга эчки жунидан рўмол тўқиш учун 1,1 млрд. сўмлик кредит берилди. Шу билан бирга, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича Халқ банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўртасида уч томонлама бош келишувга мувофиқ, 125 млрд. сўм миқдорида ресурс маблағи ажратилди.

Қолаверса, Тошкент вилоятида тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мева-сабзавот, жунни қайта ишлаш ва қандолатчиликни ривожлантириш юзасидан 5 та таклиф бўйича жами 3 млрд. сўмлик лойиҳалар аниқланиб, унинг доирасида 2019-2020 йилларда жами 145 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Шундан 2019 йилда 1,9 млрд. сўмлик 3 та лойиҳа, 2020 йилда 1,1 млрд. сўмлик лойиҳалар амалга оширилади.





Реклама ўрнида

## Қулай, фоизсиз, имтиёзли...

Халқ банки томонидан жисмоний шахсларга таклиф этилаётган кредитларга шундай таъриф бериш мумкин. Бинобарин, улар турфа хил ва жозибадор. Улар орасида автомобиль харид қилишу ипотека кредитларигача, маиший техникалар учун мўлжалланганлари ҳам бор. Айтайлик, сиз маиший техника сотиб олишингиз керак. Лекин бунга моддий имкониятингиз етмай турибди. Шунда сизга банкнинг кредит карта орқали бериладиган мақсадсиз кредити қўл келади. Яъни бу орқали сиз 10 миллион сўмгача маблағни 60 ой муддатгача олишингиз мумкин. Энг муҳими, ишлатилган кредит маблағи 30 кун муддат мобайнида сўндирилса, фоиз тўланмайди.

Шунингдек, муддатли тўлов кредитидан ҳам фуқаролар ҳамкор ташкилотлардан товар ва хизматлар сотиб олишда фойдаланади. Бунда кредит 12 ой муддатга, имтиёзли даврсиз берилади. Максимал миқдори ИҲБҲМнинг 100 баробаригача этиб белгиланган кредитдан ҳеч қандай фоиз ундирилмайди.

Айтиб ўтганимиздек, жисмоний шахслар кредитлардан хорижда ишлаб туриб ҳам фойдаланишлари мумкин. Масалан, чет элда ишловчи Ўзбекистон фуқаролари банк автокредити ёрдамида ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар сотиб олиш имкониятига эга. Кредит 36 ой муддатга ва 1 ойлик имтиёзли давр билан ажратилади. Кредитнинг омонат миқдори автомашина баҳосининг камида 35 фоизини ташкил этади. Фоиз ставкаси эса Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси қарорига мувофиқ белгиланади.

Худди шундай хорижда меҳнат қилаётган ўзбекистонликлар бирламчи бозордан уй-жойлар сотиб олиш учун 120 ой муддатга, имтиёзли даврсиз кредитдан ҳам фойдаланишлари мумкин. Кредитнинг максимал миқдори ИҲБҲМнинг 2 500 баробаригача. Ушбу кредит фоиз ставкаси ҳам юқорида номи келтирилган қўмита қарори асосида тайинланади.

"TRADE-IN" тизимидаги автокредит ҳам Халқ банкининг аҳоли учун қулай хизматларидан биридир. Ушбу кредит "UzAuto Motors"да ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари учун мўлжалланган бўлиб, у "Ўзавтосаноат" АЖнинг расмий дилерларида илгари фойдаланилган автотранспорт воситалари ва янгиси орасидаги нарх фарқини тўлашга йўналтирилади. Кредит 36 ой муддатга, 1 ойдан 3 ойгача имтиёзли давр билан берилади. Унинг максимал миқдори сотиб олинаётган автомашина умумий қийматининг 70 фоизидан ошмаган даражада. Фоиз ставкаси — 1 йилгача йиллик 33 фоиз, 2 йилгача йиллик 34 фоиз ва 3 йилгача йиллик 35 фоиздир.

Қисқаси, акциядорлик тижорат Халқ банки иқтисодиётимизнинг барча тармоғи учун маблағлар, тадбиркорларга эса имконият ва имтиёз тақдим қилмоқда. Шу орқали аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини янада яхшилашга интиляпти. Ва ишонч билан айтиш мумкинки, бунга амалда эришяпти ҳам. Бинобарин, бугун молия муассасаси сармояларидан фойдаланиб, бизнеси тобора ривожланаётган ишбилармонлар сафи кўпаймоқда. Демак, банк-молия тизимидаги ислоҳотлар кундалик ҳаётимизда ўз самарасини кўрсатмоқда.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**банк ахборот хизмати раҳбари.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 302 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6